Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯКДИЛ ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 252 (21. 118) 1991 йил 28 декабрь шанба

Баҳоси 8 тийин.

БАХТЛИ, ОМАДЛИ ИСТИҚБОЛ УЧУН

Республикамизда Ўзбекистон президентлигига сайлов ва мустақиллик референдуми ўтказиладиган кунга тайёргарлик ишлари поёнига етмоқда. Эртага республика аҳолиси тарихда биринчи марта умумхалқ сайловида Ўзбекистон Президентини сайлайди, республика мустақиллиги референдумида қатнашади. Тошкентликлар эса қўшимча тарзда Тошкент шаҳрининг ҳокими номзоди учун овоз берадилар. Кеча «Киночилар уйи»да мустақил Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг президентликка номзод И. А. Каримов билан учрашуви ва дўстона суҳбати бўлиб ўтди. Бу учрашувга меҳнат жамоалари, маҳаллалар аҳолиси ўз вакилларини юборишди, меҳнат ва уруш фахрийлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Учрашувни Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков қисқача кириш сўзи билан очиб, президентликка номзоднинг ишончли вакили Ш. Темуровга сўз берди.

— Шу кунларда республикамиз ва унинг аҳолиси тарихий воқеаларни бошидан кечирмоқда, — деди Ш. Темуров. — Ўзбекистон халқи асрлар мобайнида интиқиб кутган орзусига эришди, республикамиз ҳур, озод, мустақил давлат деб эълон қилинди. Мустақилликнинг эса масъулияти ғоят катта — халқимиздан ҳар бир соҳада бирдамлик билан иш юритишни талаб этади. Ана шундай паллада Ўзбекистонга оқил, мустаҳкам ирода, ўзининг бутун ҳаётини, билими ва кучини халқнинг иши учун сафарбар этишга тайёр раҳбар лозим. Мен бундай раҳбар президентликка номзодлардан бири — Ислом Абдуғаниевич Каримов деб биламан. У ўзининг Ўзбекистонга Президентлик қилган қисқа вақт ичида 21 миллионлик халққа раҳбарлик қила олишини кўрсатди, ўзбек халқининг миллий ғуруруни, қадриятларини, урф-одатларини ҳимоя қилибгина қолмай, унинг қайтадан туғилишига ҳам эришди. Шу давр мобайнида бир қатор чет мамлакатлар Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида танидилар. Шунинг ўзи ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг раҳбарлик санъати маҳсулидир. Нотиқ учрашувга тўпланганларни президентликка номзоднинг қисқача таржимаи ҳоли билан таништирди ва 29 декабрда президентликка номзод И. А. Каримов учун овоз беришга чақирди. Винбарга ТашЗНИЭПнинг директори Х. Асомов кўтарилди. У президентлика номзодга мурожаат қилиб, Тошкент шаҳрини қайта қуриш, уни энг кўркам, обод ва маданий шаҳарга айлантиришда яқиндан ёрдам беришни, қурилишни маҳаллий шароитга мослаб пухта олиб боришни илтимос қилди.

Тошкентдаги самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси президентликка И. А. Каримов номзодини фаол қўллабқувватлаётган корхоналардан бири. Бу ерда ушбу номзодни қувватлаб 72 минг кишининг имзоси тўпланганди. Бирлашма касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Р. Абдураззоқов ана шулар ҳақида гапирар экан, самолётсозларнинг саломини йиғилганларга етказди. Биз И. А. Каримов учун, мустақиллик учун овоз бериш билан бирга халқларимиз дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, келажагимиз равнақи учун ҳам овоз берамиз, — деди у. — Шу сабабли мен тошкентликларни самолётсозлар ташаббусига қўшилишга чақираман.

Учрашувда Чўлпон ота маҳалла қўмитасининг раиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Очилов, Новза мачитининг имом хатиби О. Исмоилов, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси С. Акутин, Ленин районидаги 93-мактаб директори Т. Воробьёва ҳам сўзга чиқиб, президентликка номзоднинг фазилатлари ҳақида атрофлича тўхталдилар. Унга ўзлари ишлаётган жамоанинг талаб ва истакларини етказдилар. Жумладан Т. Воробьёва шаҳар мактаблари учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш, А. Очилов маҳаллаларнинг ўзўзини бошқара оладиган бўлиши учун ёрдам беришни илтимос қилди. «Мен шахсан И. А. Каримов номзоди учун овоз бераман, — деди С. Акутин. — Нега? Чунки у иқтисодни жуда яхши билади, айни пайтда яхши сиёсатчи ҳамдир. Мана шундай фазилатларсиз эндиликда давлатни, халқни бошқариб бўлмайди. Мен И. Каримовгина республика аҳолисининг тинч-тотув яшашини таъминлай олади, деб ҳисоблайман».

— Халқимиз энг оғир, машаққатли кунларни бошидан кечираётган айни пайтда менга ишонч билдираётганлигидан ғоят миннатдорман. Ўзим асли самарқандлик бўлсам ҳам ўттиз йиллик умримни Тошкентда ўтказдим, шу ернинг нонини еб, сувини ичдим, Шу ерда ишлаб, тажриба орттирдим, — деди учрашувда республика президентлигига номзод И. А. Каримов. — Тошкент — бутун Ўзбекистоннинг кўзгуси. Шу шаҳар тинч бўлса, республика тинч бўлади, Ўзбекистоннинг мустақиллиги олдимизга жуда ҳам оғир, аммо шарафли вазифаларни қўймоқда. Энг аввало ўз тақдиримиз ва фарзандларимиз истиқболини ўзимиз ҳал этишимиз, миллий, маънавий ва маданий анъаналаримизни тиклашимиз, ўз еримиз ва бойликларимизга ўзимиз эгалик қилишимиз, республикада яшаётган барча одамларга муносиб шарт-шароит ва фаровон ҳаёт барпо этишимиз лозим. Булар мустақиллик тақозо этаётган биринчи галдаги вазифаларимиздир. Ҳар бир кишининг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар шахс ва виждон эркинлиги таъминланади, унинг миллатига, тилига ва маданиятига ҳурмат кўрсатилади. Мустақил давлатимиз тенглар орасида тенг бўлади. Халқаро алоқаларни эркин ва ҳеч қандай воситачиларсиз ўрнатади, миллатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлади. Бошқа бир қатор долзарб вазифалар сирасида тартиб ва интизомни ўрнатиш, шу билан бирга тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик бериб, мулкчиликнинг барча шаклларига тенг шароит ва имкон яратиш, ажнабий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ва юртимизга чет эл сармоясини жалб этиш каби режалар ҳам бор. Республикамиз ана шулар қатори фуқароларга рўзғор тебратиш учун етарли давлат фолотини бериб, камбағал одамларни, ногиронларни, қариялар ва ёш болаларни, талаба ва мактаб ўқувчиларини, кўп болали оналарни ҳимоя қилиб, ғариб ва гадоларнинг пайдо бўлишига йўл қўймай бозор иқтисодиётига ўтади. Бизнинг бурчимиз ҳар бир инсонни меҳнати, истеъдоди ва жамият ривожига қўшган ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда одиллик ва ҳалоллик билан баҳолаш ва тақдирлашдир. Президентлика номзод маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, шу каби чинакам инсоний фазилатлар олдимизда турган улуғ мақсад — мустақилликка эришишнинг биринчи омиллари эканлигини таъкидлади. У ёшлар тарбияси ва шу иш билан боғлиқ вазифалар, бозор иқтисодиётига ўтиш ва одамларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олдинда турган юмушлар ҳақида гапирди. Тўпланганларга Ашхобод ва Олмаотадаги мустақил давлатлар раҳбарларининг учрашуви натижалари тўғрисида сўзлаб берди. Туркия сафари ҳақида ахборот берди, ижтимоий-иқтисодий соҳада яқин кунлар ичида амалга оширладиган ишлар тўғрисида ҳикоя қилди.

Шаҳар меҳнат жамоалари вакилларининг йиғилиши қатнашчилари Республика пойтахтидаги барча сайловчиларга қарата Мурожаатнома қабул қилдилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

● Тошкент. 1991 йил 27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод И. А. Каримовнинг пойтахт меҳнаткашлари билан учрашуви.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИДАГИ БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз тошкентликлар!

Ҳар биримизнинг ҳаётимизда муҳим тарихий давр бошланди. Халқнинг мустақиллик ҳақидаги орзуси рўёбга чиқди. Жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг пойтахти ниҳоят жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун шароитлар яратилмоқда. Республика Президентининг илк бор сайланиши, Ўзбекистон давлат мустақиллиги ҳақидаги референдум, Тошкент шаҳри ҳокимининг сайланиши — ана шу жараён самараларидир.

Бугун бизнинг истиқболдаги барча умидларимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов номи билан боғлиқдир. Чунки унинг сайланиши барча тошкентликларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, ижтимоий барқарорлик, фуқаролар ва миллатлар тотувлиги негизида иқтисодий тараққиётга ёрдам беради.

Азиз сайловчилар, сиз И. А. Каримовни ёқлаб овоз берар экансиз:

— меҳнат аҳлининг, ҳар бир хонадоннинг моддий ва маънавий фаровонлигини;

— тенг имкониятлар, конституциявий ҳуқуқлар ва фуқаролар эркинлигининг ишончли тарзда таъминланишини;

— миллий анъаналар, тиллар ва маданиятларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни;

— қайси миллатга мансублигидан, ижтимоий мавқе ва келиб чиқишидан, дини ва эътиқодларидан қатъи назар Тошкентдаги барча фуқароларнинг шарафи ва шаъни, тинч ҳаёти ҳимоя қилинишини ёқлаб овоз берган бўласиз.

Номзодимизнинг олий мақсади — Ўзбекистонда ва унинг пойтахтида фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашдан, ҳар бир хонадон, республикадаги барча фуқаролар хотиржамлигини сақлашдан, интизом ва тартибни мустаҳкамлашдан ва айни вақтда тўла иқтисодий эркинликни, ночорлар ва ногиронлар, кексалар, талабалар ва ўқувчилар манфаатлари ҳимоя қилинишига эришишдан, оналаримиз, рафиқаларимиз ва фарзандларимиз хотиржамлигини таъминлаб, дўстлик ва ҳайриҳоҳлик руҳини қарор топтиришдан иборат.

Бизнинг номзодимиз Сизнинг сайлашингиз, Сизнинг қўллабқувватлашингиз, Сиз ёқлаб овоз беришингиз учун муносиб инсондир, чунки у жамиятда адолат ва тараққиёт, ўзаро ёрдам қарор топиши учун, мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли давлат сифатида аъзо бўлиши, Тошкент эса ҳақиқатан ҳам дўстлик ва меҳр-оқибат пойтахти, Шарқдаги ёрқин жозибали юлдузга айланиши учун, Ўзбекистон диёри бундан буён ҳам яхши ниятларимиз, орзу умидларимиз рўёбга чиқадиган диёр бўлиши учун ҳамма ишларни қилади. Сайлов тошкентликларнинг ақл-идроки ва сиёсий маданиятини, уларнинг демократияга иштиқёни намойиш қилсин, Тошкентда яшовчи барча миллатлар ва элатлар, барча сиёсий кучлар аҳиллигини ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилсин.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Референдум куни Ўзбекистон давлат мустақиллиги ҳақидаги саволга «Ҳа» деб жавоб берайлик.

Сайлов куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси Ислом Каримовни ёқлаб овоз берайлик, зеро у Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига муносиб номзоддир!

29 декабрда ҳамма сайловга!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

УЛУҒ НЕЪМАТ

Қайси куни ниманидир ахтариб эски қоғозларимни титкиладим. Турли йилларда битилган шеърлар орасидан каттаю кичик ҳажмдаги ҳужжатлар ҳам кўзимга ташланар эди. Бири фирқаники, бири ноибликники ва ҳоказо. Улар ўз даврида ўзига яраша юмушларни бажарган. Бироқ улар ҳозир кўзимга ғоят ғариб, ночор қоғозлар бўлиб туюлди. Ажабо, ўз қимматини йўқотмайдиган бирон-бир ҳужжат бормикан бу дунёда...

Шулар ҳақида ўйлаб дафъатан қуйидаги хулосалар, фикрлар пайдо бўла бошлади. Дейлик, мен-ку оддий фуқаро эканман, Ўзбекистонимиз бундай ҳужжатлардан қанчасини кўрган экан. Ўн еттинчи йил инқилобидан кейиноқ дастлабки конституцияларда миллий жумҳуриятлар мустақил деб эълон қилинмаганмиди? Бу ҳам бир ҳужжат. Гўё мустақилсан дея тамға, байроқлар жорий этилмаганмиди? Бу ҳам бир ҳужжат. Бундай ҳужжатларни санайверсангиз балки саноғига етиб бўлмас. Бироқ уларнинг барчаси ҳам бугунги кунда менинг юқоридаги ҳужжатларим сингари ғариб ва ночор, кераксиздир. Яъни, миллатнинг орзую армони шу вақтгача фақат қоғозларда қайд этилди, холос.

Хайрият, эл-юртнинг олдидан ўтиб ундан фикр сўраладиган кунлар ҳам келди. Халқимиз ўз мустақиллиги ҳақидаги ҳужжатга бармоқларини кўз ёшларига ботириб, муҳр босади. Энди мана шу кўз ёшлар билан йўғрилган ушбу ҳужжатнинг эскирмаслиги учун барчамиз курашмоғимиз шарт.

Президентимиз ҳам биринчи маротаба умумхалқ сайловидан ўтади. Ўзбекистонимиз Ислом Каримовга юксак ишонч билдираётир. Албатта, муҳтарам Президентимизнинг энг муҳим неъмат, яъни мустақиллигимизга ишончли посбон бўлишларига тилакдошман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНМОҚДА

● **Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини тан олиш тўғрисидаги хабарлар келиб турибди.**

Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистон Республикасини расмий таниш тўғрисида қарор қабул қилди.

Канада бош вазири Брайан Малруни Канада Ўзбекистон, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва Туркманистонни мустақил давлат сифатида тан олганлигини эълон қилди.

Австралиянинг Москвадаги элчихонаси Австралия Бош вазири мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ўн бир муассиси, шу жумладан Ўзбекистонни танганлигини эълон қилди, деб хабар берди.

Австралия яқин вақт ичида ҳамдўстлик аъзолари билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш зарурлиги тўғрисида музокара бошлайди.

Миср Араб Республикаси Ўзбекистон, РСФСР, Беларусь, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Молдова, Грузия давлатларининг тўла мустақиллигини тан олди.

Миср Араб Жумҳуриятининг ҳукумати ўзаро манфаатдорлик асосида ана шу давлатларнинг ваколатли идоралари билан дарҳол зарур алоқа ўрнатади.

* * *

БУЭНОС-АЙРЕСдан ТАСС мухбирлари **Евгений Алексеев** ва **Александр Нирков** хабар қиладилар:

Аргентина ҳукумати Молдова, Ўзбекистон ва Тожикистон мустақиллигини тан олди.

Аргентина Ташқи ишлар вазирлигининг ўтган пайшанба куни Буэнос-Айресда тарқатилган расмий баёнотида айтилишича, ушбу қарор уч республика ҳукуматларининг шу республикалар мустақиллигини Аргентина тан олиши ҳақидаги илтимосига биноан қабул қилинди. Аргентинанинг Молдова, Ўзбекистон ва Тожикистон билан дипломатия муносабатларини ўрнатиши масаласи кейинчалик кўриб чиқилади.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва республиканинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум қандай ўтаётганлигини кузатиш учун бир қанча хорижий мамлакатлардан ва ҳамдўстлик мамлакатларидан кузатувчиларни таклиф қилган эди.

Ана шу тадбирларда иштирок этиш учун Тошкентга қуйидаги муҳтор вакиллар келмоқда:

Россия Федерациясидан — А. К. Микитаев — Россия Федерацияси Олий Кенгаши Раёсати гражданлик масалалари комиссиясининг аъзоси;

Минскдан — Беларусь Республикаси халқ депутатлари З. В. Пенькова, Р. Н. Самусевич, Г. Г. Гушель;

Тожикистон Республикасидан — республика Олий Кенгаши комитети раисининг ўринбосари А. Саидов, «Садои мардум» рўзномасининг бош муҳаррири М. Шералиев. Бугун қуйидаги кузатувчилар келадилар:

АҚШдан Америка конгрессининг Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига доир комиссиясининг аъзоси жаноб Майкл Окс ва Патриция Карли хоним;

Малайзия Федерациясидан — Малайзия парламенти вакиллар палатаси Спикерининг ўринбосари жаноб Туан ҳожи Жуҳар бин Маҳируддин ва парламент аъзоси жаноб Руҳани Аҳмад;

Туркия Республикасидан — парламент аъзолари жаноб Раҳми Озер ва жаноб Жавид Сади Пахлавон ўғли;

Қозоғистон Республикасидан — республика Олий Кенгаши комитети раисининг ўринбосари М. К. Избанов, республика халқ депутати Т. Б. Ибраев, ҳуқуқшунослар уюшмасининг президенти С. С. Сартаев.

Келган барча меҳмонлар учун улар ўз ваколатларини амалга оширишларига зарур шароитлар яратилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БИРЖА ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Биржалар фаолиятини такрорлашга барҳам бериш, унга бир томонлама ёндашувга йўл қўймаслик ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, бозор тармоқлари мажмуини ривожлантиришга, хўжалик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, республикани истеъмол моллари ва моддий-техника ресурслари билан тўлдиришга биржалар қўшадиган ҳиссани кўпайтириш мақсадида:

1. Республика ҳудудида биржа фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида биржалар кенгаши тузилсин. Белгилаб қўйилсинки, мазкур кенгаш ҳозирги вақтда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган биржаларнинг раисларидан ташкил топади.

2. Биржаларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклансин. Шу нарса белгилансинки, республика ҳудудида янгидан ташкил этиладиган биржалар 1-бандда кўрсатилган биржалар кенгаши билан келишиб олинганидан кейингина рўйхатдан ўтказилади.

3. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий тадбирларни амалга оширсин ва бир ой муддат ичида «Ўзбекистон Республикасида биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 27 декабрь.

ОЛИМЛАР ҲАМЖИҲАТЛИГИ

Кеча «Ўзбекистон республикаси мустақиллик йўлида» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамияти, Тошкент давлат дорилфунуни, Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Сиёсатшунослик ва бошқарув институти, ТошДУ қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малака ошириш институти, Ўзбекистон республикаси «Билим» ва педагогика жамиятлари ташкил этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг раиси, фалсафа фанлари доктори С. Шермуҳамедов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, фалсафа фанлари доктори, Тошкент давлат дорилфунуни ректори, профессор Э. Юсупов «Ўзбекистон республикаси мустақиллик йўлида» мавзусида маъруза қилди.

Давра суҳбати иштирокчилари 29 декабрь куни республика Президентлигига бўладиган сайловда И. Каримов номзодини қўллабқувватлаш ва республика референдуми учун овоз бериш учун барча файласуф, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимларни даъват этдилар.

М. ПИРМАТОВ.

ЭСТОНИЯ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН: ҲАМКОРЛИК ВИТИМИ

● Эстония билан Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Эстония кимё ва тўқимачилик саноати маҳсулотларини алмаштириш эвазига Ўзбекистондан тахминан, 18 минг тонна пахта олади.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ РЕЖАСИ

Собиқ СССР Президенти Михаил Горбачев Янги йилни Москвада кутиб олмоқчи. Сўнгра, у ўз юртига, Ставрополга боради. Бу ерда унинг онаси яшайди.

Собиқ президент аппарати ходимларидан бири ТАСС мухбирига телефон орқали шуни маълум қилган.

Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва

НОМЗОДНИНГ ДАСТУРИДАН

● Ўзбекистоннинг эркинлиги ва мустақиллиги биз учун— халқимиз, республикада яшаётган барча инсонлар учун, энг аввало:

● ўз тақдиримиз ва фарзандларимиз истиқболини ўзимиз ҳал этишимиз имконини беради;

● миллий, маънавий ва маданий анъаналаримизни тиклаш имконини беради;

● ўз еримиз ва бойликларимизга ўзимиз эгалик қиламиз. Ўзбекистонда яшаётган ҳамма одамларга муносиб шарт-шароит ва фаровон ҳаёт барпо этамиз;

● ҳар бир кишининг — миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар — шахс ва виждон эркинлиги таъминланади, унинг миллатига, тилига ва маданиятига ҳурмат кўрсатилади;

● давлатимиз тенглар орасида тенг бўлади, эркин ва ҳеч қандай воситачиларсиз халқаро алоқалар ўрнатади, миллатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлади.

(Ўзбекистон Президентлигига номзод И. А. Каримовнинг Дастури баёнидан).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

27 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан «Исмоил Хорун Деҳлавий» корпорацияси (Саудия Арабистони) ўртасида ўзаро ваколатхоналар очиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Ҳужжат Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига чиқишини кўзда тутади. Тошкентда «Исмоил Хорун Деҳлавий» корпорациясининг расмий ваколатхонасини, Жидда шаҳрида эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ваколатхонасини очиш кўзда тутилди.

Битимни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат вазири А. Отажонов билан «Исмоил Хорун Деҳлавий» корпорациясининг вице-президенти Сами Исмоил Хорун Деҳлавий имзоладилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва унинг ижроси

● Аҳолига уй-жой қуриш ва томорқа учун ер ажратиш ҳақидаги қарор деҳқонларнинг турмуш шароитини тубдан яхшилаш имконини берди. Кейинги икки йил ичида пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига аҳолига 350 минг гектар суғориладиган ер томорқа учун ажратилди. Шу қарор туфайли 1,5 миллион оила, жами 9 миллионга яқин киши турмуш шароитини яхшилашга эришди. Шахсий уйлар қуриш анча кўпайди. Кўплаб янги хўжаликлар вужудга келди.

● Шахсий томорқалар самарадорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа ноз-неъматларни етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги Президент Фармонига кўра шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига 61,5 минг бош қора мол, 385 минг бошга яқин қўй ва эчки, 7,3 миллион парранда, 34 мингтадан кўпроқ чўчқа болалари сотилди. Булардан ташқари давлат ва жамоа хўжаликлари аҳолига 25 минг бош қорамол, 280 минг бош қўй ва эчки, 10 миллионга яқин парранда сотдилар.

● Ўзбекистон Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони асосида шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги чорвани озуқа билан таъминлашни яхшилаш мақсадида аҳолига ўтган йили 793 минг тонна дағал хашак, 140 минг тонна ширали ва 440 минг тонна кўк озуқа берилди. Бу йил ҳам етарли миқдорда хашак ва ем сотилди.

● Республика Президентининг «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва уларнинг уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги фармони билан тегишли фонд яратиш учун давлат 1 миллиард сўм маблағ ажратди. Маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва жамоа органлари раҳбарлари, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг уюшмаси билан биргаликда аҳолига уруғлик, кичик техника, бинокорлик материаллари сотишни йўлга қўйдилар.

● Ушбу тадбирлар сабабли шу йилнинг 10 ойи мобайнида шахсий секторда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,1 минг тонна гўшт ва 14 минг тонна сут кўп ишлаб чиқарилди. Бундан қишлоқликлар билан бирга шаҳарликлар ҳам баҳраманд бўлдилар.

МУСТАҚИЛЛИК ИҚБОЛИМИЗ

● Қишлоқ аҳолисини дон билан таъминлаш масаласига қаратилган Президент Фармонига биноан 1991 йилги ҳосилдан 221 минг тоннадан зиёдроқ буғдой сотиш мўлжалланган эди. Бу тадбир муваффақият билан бажарилди. Ҳар бир қишлоқ оиласига ўртача 102 килограммдан, жами 227,5 минг тонна буғдой сотилди.

● Президентнинг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармонига асосан ишлаб чиқилган дастур бажарила бориб, ўтган йили республика бўйича салкам 2245 километр сув қувурлари (шундан 1868 километри қишлоқ жойларда) ва 2874 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг 9 ойи ичида 1893 километр сув қувурлари ва 3500 километр газ тармоқлари қурилди.

● ТОШКЕНТ. Куйбишев районидаги 155/3 сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилди. Умумхалқ шодиёнасида ҳамма нарса тахт. Бунда сайлов комиссияси аъзолари фаоллик кўрсатишди.

Суратларда: 1. Тошкент консерваторияси касаба уюшмаси қўмитаси раиси, доцент А. Лутфуллаев сайловчилар билан суҳбатда. 2. Сайлов комиссияси аъзолари И. Раҳимов, В. Калюшний, комиссия раиси М. Рустамбеков ва комиссия аъзоси В. Машрабов ўзаро мулоқотда.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Сўз—муштарийларимизга

ФУҚАРО СЎЗИМ ШУКИ...

● Озодлик халқимизнинг узоқ йиллар қилган орзуси эди. Мана шу орзуга етишиш учун қанчадан-қанча мард ўғлоклар қурбон бўлиб кетди. Бундан бизнинг хонадонимиз, қишлоғимиз ҳам четда турмаган. 1928 йилнинг кузи эди. Ярим кечада уйимизни номаълум кишилар келиб босди, тонггача тинтув ўтказиб, эрта билан отамни, амакиларимни олиб кетдилар. Шу кеча қишлоғимиздан 25 киши қамалди. Кейин эса уларнинг 8 нафарини қатл этиб, қолганларини сургун қилишди. Бундай воқеалар орадан 8-10 йил ўтгач яна такрорланди.

Биз 70 йилдан кўпроқ вақт қўрқиб, хавотирда яшадик. Энди эса мустақиллик шарофати билан бор ҳақиқатни баралла айтиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Ислом Каримов Қашқадарё вилояти партия ташкилоти котиби бўлиб келганда, қадами қутлуғ бўлиб анча оғирлашиб қолган турмушимиз йўлга тушиб кетганди. Пахта тайёрлаш планлари ҳам бажариладиган бўлиб қолди. Вилоятда, районларда жуда катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Айниқса Қарши шаҳрида миллий чойхоналар, ошхоналар, савдо марказлари кўплаб қурилди. Қаршининг эски шаҳари ободонлаштирилди. Айниқса ўқитувчиларнинг ойлик маоши ошгани қувончли воқеа бўлди. Мен бу гапларни ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, бутун умрини ёшларни тарбиялашга сарфлаган оддий бир ўқитувчи сифатида айтаяпман. Республикамизни озодликка, мустақилликка мушарраф этган, орзуларимизни рўёбга чиқарган И. А. Каримов ҳамиша умридан барака топсин. Мен эртага сайлов куни унинг номзоди учун, демак республикамиз мустақиллиги мустаҳкамланиши учун овоз бераман.

У. ИСЛОМОВ,
Қарши шаҳри. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ЎТИБ КЕТАР...

● Бугун турмуш қийинчиликлари бошдан кечириб турилган бир шароитда фахрийлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга қилинаётган ғамхўрликлар оз бўлсада шароитимизни осонлаштиряпти. Бундай ғамхўрлик учун ҳозирги ҳукуматимизга, Президентимизга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак оз.

Бахтимиз бор экан, сўзи билан амалий иши бир бўлган, бутун кучи ва ҳаётини халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга сарфлаётган чин инсон раҳбар бўлган замонни ҳам кўрдик. Республикамиз мустақиллиги биз учун нақадар қадрли бўлса ана шу мустақилликни эълон қилган Президентимизнинг ҳам номи шунчалик ҳурматли ва обрўлидир. Тўғри, ҳозир собиқ Иттифоқдаги барча ҳудудларда бўлаётган синграи Ўзбекистонда ҳам қимматчилик, тақчилик ҳукмрон, нарх-наво ошиб кетган. Буларнинг барчаси ўткинчи, вақтинчалик эканлигига ишончимиз комил. Мустақилликни қанчалик мустаҳкамласак ишимиз ҳам, турмушимиз ҳам яхшиланиб кетади.

У. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Н. АБДУЛЛАЕВ, Н. ЗАБИХЎЖАЕВ, Я. ВЕТЧИНКИН ва бошқалар.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

● Республикамиз давлат мустақиллигига эришди. Аммо бу сира ҳам ҳамма иш битди, деган маънони билдирмайди. Мустақилликнинг ўзига яраша катта-катта юмушлари олдинда турибди.

Биринчи вазифамиз иқтисодий тақчилликдан эсон-омон чиқиб олишдир. Қийинчиликларни тугатишда эса фан-техника тараққиёти катта роль ўйнайди. Бўлажак Президентимизни шу йўлда бир қатор долзарб вазифалар кутиб турибди. Фан, олий таълим, маориф, маданият соҳаларини ривожлантириш ана шулар жумласидандир. Тўғри, И.А. Каримов бу соҳада кўп ишларни амалга оширди. Республикада қишлоқ хўжалик фанлари академияси шакилланди, қатор дорилфунунлар ва олийгоҳлар, шу жумладан техника ва иқтисодиёт билим ўчоқлари қайтадан ташкил этилмоқда. И. А. Каримов республика Президенти бўлганидан кейин ўтган қисқа вақт ичида амалга оширган бу ишлар келгусида изчил давом эттирилишига, фан ва техника янгиликлари жорий қилинган хўжалигимиз сермаҳсул бўлишига албатта ишонамиз.

Ҳ. СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, Тошкент молия олийгоҳининг профессори.

ИШЛАШ ЛОЗИМ

● Кейинги ярим йилликда ниҳоятда жаҳоншумул воқеалар содир бўляпти, бу республикалар мустақиллигининг эълон қилиниши, Президентларни халқ томонидан сайланиши. Булар ўз навбатида демократия куртакларидир.

Мен ҳам бир Ўзбекистон фуқароси сифатида давлатимизнинг ўз армияси, темир йўли, ҳаво йўли, ўз пули, чегарасига эга бўлишини истайман. Юқорида айтиб ўтилган мустақил давлатларга хос бўлган сифатлар бўлмаса қандай мустақил бўлиши мумкин! Демак, мустақилликка эришиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

О. ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Свердлов район Кенгаши ҳузуридаги бошланғич партия ташкилоти котиби.

МАРДУ МАЙДОННИ САЙЛАЙЛИК

Азиз дўстлар, президентликка мард инсонни сайлайлик,
Меҳрибонликда халқларга меҳри-умммонни сайлайлик.

Бу ҳаётни қайта бошдан тикламоқлик машаққатдур,
Ҳаракатчан, ҳам чидамли марду майдонни сайлайлик.

Қийин аҳволда кўп кўрди азиз халқини Деҳқоний,
Халқларни тўғри йўлга бошловчи сарбонни сайлайлик.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ,
фахрий.

КАРВОНБОШИ

Президентимиз ... ва ун маҳсулотлари нархларини 1992 йилгача оширмасликни халқимизга ваъда қилди ва ўз ваъдасининг устидан чиқди. Бунинг учун миллиард-миллиард сўм маблағ топиш кераклигини, Россия ва қўшни жумҳуриятлар ана шу маҳсулотга нарх-навони оширгани орқасида бир қанча жиддий қийинчиликлар туғилганини катта-кичик, ҳамма яхши билади. Лекин, раҳбарнинг сўзи-сўз. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Президентимиз анов куни Андижонда сайловчилар билан учрашганда 1992 йилда, яъни нарх-наво ҳаддан ташқари ошиб кетиши кутилаётган қийин шароитда талон системасини ушлаб туришни халққа ваъда қилди. Демак, фуқаролар турмушининг ҳаддан зиёда оғирлашиб кетишига йўл қўйилмайди. Бироқ, раҳбаримизнинг бу лўнда ваъдаси тагида қанча ўйлар, мулоҳазалар, ҳисоб-китоблар ва албатта, ишонч, қатъият, элга меҳрибонлик ва ниҳоят, чин фидоийлик мавжудлигини биз аниқ кўриб, чуқур сезиб турибмиз.

Мустақил давлатимиз, эл-юртимиз ҳам иқтисодиётда, ҳам ижтимоий ҳаётда буюк тимиз жуда кўп сўзлайди. Биз ушинг сўзларига эътибор билан қулоқ соламиз, режаларини, ваъдаларини тарозига солиб ўлчаймиз ва шундай хулосага келамизки, Ислом Абдуғаниевич Каримов — ўз сўзли, масъулиятли, эл-юрт ишончига муносиб инсон ва раҳбар.

Битта мисол келтираман. Ҳамма учун аён ва бегумон мисол.

Мамлакатимиз, халқимиз оғир аҳволга тушиб қолди.

Жамиятимиз уммондаги кучли бўрон оғушида сузиб бораётган кемани эслатади.

Халқимизни, жамиятимизни бу даҳшатли тўфон қаъридан ким, қайси матонатли ва моҳир дарға омон олиб чиқа билади?

Биз бу кун элимизга оға, кемамизга дарға сайлаймиз. Юртимизнинг отаси ким бўлади? Сайлаган сардоримиз ўз халқи—лашкарини тошқинлар, пўртаналар, довуллар қаъридан соғ-саломат олиб чиқиб, тинчлик-тотувлик, фаровонлик ва равнақ йўлига бошлай биладими?

Ўзбек халқи ҳар қандай синовларга бардош бераоладиган, чидами, иродаси метиндай қаттиқ, йўлидаги тоғларни Фарҳод каби қўпоришга қодир халқ. Лекин, дунёга Алишер Навоийдек даҳони берган улуғ юртга бахт ҳар доим ҳам кулиб боқмаган. Агар биз элимиз, заминимиз тарихини варақласак, қуёшмонанд диёримиз хорижий истибдод босқини, зулмати остида кўп марта вайрон этилганига гувоҳ бўламиз. Истилочилар ким: Доролар, Чингизхонлар, Куропаткинларми, — улардан кейин фақат вайроналик, харобазорлар қолган. Охирги истилонинг мудҳиш оқибатини бизнинг авлодимиз очиқ кўриб турибди. Бу — шўрли Орол, қуриган дарёлар, шўр босган саҳролар, дарду аламлари чексиз миллион-миллион туркистонликлар!..

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ва у билан бирга Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатларининг раҳбарлари Орол фожиасини Чернобиль фожиасига тенг билишни, иккининг даҳшатли оқибатларини тугатишга бир кўз билан қараб, бир хилда етарли маблағлар ажратиш масаласини Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги аъзолари олдида энг долзарб замонавий ва энг муҳим тарихий вазифа қилиб қўйдилар.

Хўш, бу вазифа бажариладими, яъни тарих XX аср охирида илгари сурган бу жумбоқ ақалли нариги — XXI асрда ечиладими?

Ҳозирча Президентимиз ва янги Президенликка номзодимиз Ислом Каримовнинг фаолияти, режалари ва аниқ дастури элимизга манзур. Унинг сўзи билан иши орасида фарқ йўқ. У одамлар билан жуда кўп, ҳатто беҳисоб учрашиб, сўзлашиб, маслаҳатлашиб туради, десам лоф бўлмас. Жумҳуриятимизда, қўшни давлатларда хорижда Президент... инқилобни бошдан кечирмоқдалар. Тенгсиз халқ ҳаракатини бошқарабиладиган, ҳаёт кемасини ҳалокатдан сақлабгина қолмай, балки ҳаётнинг нурли соҳилига беталофот олиб чиқа биладиган дарғалар жуда-жуда керак бўлиб қолди. Ўзбек халқининг шундай масъулиятли вазифани бажаришга қодир зукко ўғлонлари ва доно қизлари бор. Лекин жамиятимизда долзарб муаммолар шу қадар қалашиб, матбуот «ҳалокат», «жар ёқаси» деб таърифлаётган вазият шу қадар кескинлашиб кетдики, эндиликда ҳаёт аччиқ-чучугини обдон тотиб чиниққан, ўта тажрибали дарға керак. Менинг ишончим комилки, ҳозирги жуда мураккаб ва ўта хатарли шароитда сўзи ўткир, иродаси кучли, халқнинг ардоғига сазовор раҳнамо Ислом Каримовдир.

Биз Октябрь тўнтаришидан кейинги 74 йиллик даврда кўп синов-синоатларни бошдан кечирдик. Уруш, очлик, қувғин, қатоғонлар кўп марта халқимизнинг силласини қуритди. Лекин тоғдай бардошли, эътиқоди мустаҳкам ўзбек халқи ҳаммасига чидади, бало-қазоларни енгди, коммунистик яккаҳокимлик оқибати бўлган ҳозирги машаққатларни ҳам енгиб ўтиши муқаррар.

Биз Президентимизни олий мақсадлар, абадий қадриятлар йўлдошингиз бўлсин, деб дуо қиламиз. Бир мисол. Тошкентдаги Навоий номли ва Муқимий номли театрларимизнинг муҳташам бинолари уруш йилларида, яъни очлик ва маҳрумлик шароитида қуриб битказилган. Президентимизнинг шу кунларда амалга оширилган, Туркияда сафарининг натижаларидан бири Бухоро тарихий меъморчилик обидаларини тиклаш, таъмирлаш режаси бўлди ва бу мақсад учун дастлабки ўн миллион сўм маблағ ажратилди. Офарин! Буни абадий қадрият анъаналарига содиқлик, халқ маънавий маданиятига муҳаббат ифодаси, деса бўлади.

Биз ижод аҳли, сайлов арафасида Президентимизга жамоамиз ва кексами, ёшми, ҳар бир ижодкор ижтимоий ҳимояга ниҳоятда мухтож бўлиб қолганини эслатмоқчимиз. Бу жуда муҳим муаммо. Бозор иқтисодиёти илмий, адабий, маданий ҳаётни, умуман, ижодни ўта танг аҳволга тушириб қўймоқдаки, бу масала — авлодлар тақдири, истиқбол масаласидир. Бу масалада анжуманларимизнинг қарорлари, мурожаатномаларимиз ҳозирча ижобатсиз қолиб келяпти.

Биз сайлайдиган даргамизнинг йўли ойдин, истиқболи нурли бўлсин!

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

МАҲАЛЛАНГ—ОТА-ОНАНГ

Кейинги йиллардагина маҳалла қўмиталарининг фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади-ган бўлди. Маҳалла дастури ишлаб чиқилиб, шаҳар Кенгаши тасдиғидан ўтгач, аҳвол анча ўзгарди. Ўтган йилдан бошлаб шу кунгача маҳаллалар эҳтиёжи учун салкам 80 миллион сўм ажратилгани, бир қатор маданий-маиший-маърифий хизматлари учун бинолар қурилгани, канализация, суғориш, газ тармоқлари, телефон ўтказилгани бунинг далилидир. Маҳаллалар эндиликда ўз озиқ-овқат дўкони, чойхона, масжид ва марказига эга бўлиб боряпти. Дастурларнинг бажарилишига Тошкент шаҳар сув хўжалиги трести, газ идораси ва савдо бош бошқармаси баракали улуш қўшдилар.

Шаҳар умумий овқатланиш трести томонидан кўрсатилган ёрдам ҳажми 200 минг сўмликдан кўп. Шаҳар ижроқўми ёрдами билан ҳар бири 100 литрли сиғимли мингта самоварга буюртма берилди. Бундан ташқари маҳаллаларни ободонлаштириш мақсадида завод, фабрика ва турли корхоналар ажратаётган ёрдам пуллари ҳам кўпайиб бормоқда. Жумладан, Абдулхай Тожиев маҳалласи ҳудудига жойлашган Совет—Хитой қўшма корхонаси маҳалла фондига 25 минг сўм пул ажратди. Айни пайтда шу маҳалла ҳисобидаги пул 100 минг сўмдан ошиб кетди. Бу ерда ана шу маблағ ҳисобидан турли маданий-маиший-маърифий ишларга мўлжалланган бинолар қурилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, маҳалла ва уй қўмиталари ишини мувофиқлаштиришда шаҳар кенгаши самарали фаолият кўрсатяпти. Кенгаш ўз номига монанд тарзда нимаики қилаётган бўлса ҳаммасини жамоатчилик билан маслаҳатлашиб, кенгашиб бажармоқда. Жумладан маҳалла дастурини амалга ошириш масаласи кенгашнинг VI сессиясида атрофлича муҳокама қилинди. Шаҳар ижроқўми эса ҳар ойда маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи район қўмитасидан бирининг ҳисоботини эшитиб бормоқда. Ана шундай мулоқотларда эски шаҳардаги маҳаллаларни қайта таъмирлаш, янги Шаҳристон маҳалласини қуриш, Октябрь ва Собир Раҳимов районлари аҳолиси моддий турмуш шароитини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

Ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Агар сал кам 1 миллион аҳолини бирлаштирган 370 маҳалла фуқаролари кундалик турмушига боғлиқ ишлар бажарилиши лозимлигини ўйласак, юмушлар кўлами нақадар катталиги яққол намоён бўлади. Эртага биз — тошкентликлар шаҳар ҳокимини ҳам сайлаймиз. Демак, Тошкент ҳудудидаги барча ишлар бир кишининг қўлида жамланади, ҳар хил тартибсизликларга, пала-партишликларга чек қўйилади. Демоқчиманки, ҳоким одил бўлса, жамоатчилик билан бамаслаҳат иш олиб борса унинг иши ҳам юришиб, шаҳарликларнинг турмуши ҳам яхшиланиб кетади.

Ш. ТЕМУРОВ,
Тошкент шаҳар Кенгаши маҳалла ва уй қўмиталари билан ишлаш доимий қўмитаси раиси.

ИҚБОЛИМИЗ

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинганига тўрт ойдан ошди. 70 йилдан кўпроқ вақт марказ ҳукмига бўйсиниб келган ва фақат унинг кўрсатмаси билан ишлаган республикамиз энди ўз тақдирини ўз қўли билан яратади. Мустақиллик — ўз ерига, ўз бойликларига эркин эгалик қилиш, кенг дунёга мустақил чиқиш дегани. Хўш, мана шу қисқа вақт ичида мустақиллик бизга нималар берди-ю, бундан кейин нималар беради? Мухбиримиз ана шу саволлар билан суҳбатдошларига мурожаат қилди.

Қ. ХОЛМИРЗАЕВ, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг раиси, Ўзбекистон халқ депутати.

— Андижон вилояти бўйича собиқ Иттифоқ қарамоғида бўлган 23 та корхона мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон ихтиёрига ўтди. Бу корхоналар йилига 454 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин бошқа ҳудудлардан ўзаро иқтисодий алоқанинг узилиши корхоналарнинг хом ашё ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланишини қийинлаштириб қўйди. Шу сабабли биз бошқа республикалардаги корхона ва ташкилотлар билан ўзаро манфаатли асосда хом ашё ва маҳсулот алмашиш йўлини тутдик. Натижа ёмон эмас. Йилнинг 11 ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,5 фоиз ёки 80 миллион сўмга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 8,1 фоиз ёки 137 миллион сўмга кўпайди.

Баъзи корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда. Марҳамат электротехника заводида дазмол, Андижон электродвигатель заводида кир ювиш машинасининг двигатели, Советобод кабель заводида телефон шнури ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бошқа корхоналар ҳам шароитга қараб ўз фаолиятига ўзгартиришлар кирита бошлади.

Пахта ва пилла харид нархининг оширилгани, режадаги пахтанинг 5 фоизи ва режадан ташқари тайёрланган ҳосилнинг ҳаммаси деҳқонга инъом қилинганлиги ҳам мустақиллик шарофатидир. Агар Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинмаганида Президентимиз И. А. Каримов бундай Фармон чиқара олмасди, албатта. Ана шу Фармонга асосан вилоятимиз бу йил 270 миллион сўм қўшимча даромадга эга бўлди.

Мустақиллик бизга чет давлатлар билан бемалол алоқа қилиш имконини ҳам берди. Андижон Хитой, Италия, Туркия, Исроил, Швейцария ва бошқа давлатларга чиқа бошлади. Андижонда 25 минг уйғур миллати яшайди. Шунинг учун бу ерда уйғур маданият маркази ташкил этилди. Ҳозир Андижон — Қашқар — Урумчи ҳаво йўлини очиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Республика ҳукуматининг ёрдами билан бу масалани тезроқ ҳал қилиш мумкин.

Яна бир муҳим масала: мустақиллик шарофати билан машъум «пахта иши» бўйича ноҳақ қамалган кишиларнинг иши қайта кўриб чиқиляпти. Кўп кишилар оқланмоқда.

Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш кунида барча андижонликлар фаоллик кўрсатишга қарор қилдилар. Улар тарихда биринчи марта умумхалқ сайлови йўли билан республика Президенти учун, мустақил Ўзбекистон учун якдиллик билан овоз берадилар.

Дувараси ҳам бор

● Хидир бобо Бобоқулов 92 баҳорни қаршилади. У киши Ғузор районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида истиқомат қилувчи энг кекса отахон.

Бир пайтлар Ерғунча қишлоғида «Қизил тамға» жамоа хўжалигини ташкил этгани ҳақида ҳалигача эслаб юришади. Раис бўлди, ҳосилотни бошқарди, бригадирлик қилди. Бугунги кунда 82 ёшга кирган рафиқаси Қизларбиби Абдуллаева билан тўрт ўғил, беш қизни воя-га етказишди. Кексалар ҳозир 115 нафарга етган невара-чеваралари билан ҳақли равишда фахрланишади. Отахон икки дуварали бўлганидан бери айниқса тақдирдан миннатдор.

И. МАЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ОДИМЛАРИ

● Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барча асосий турларининг харид нархлари оширилди. Пахтанинг харид нархи 1989 йилдагига нисбатан уч баравар, уни теришда қатнашганларнинг иш ҳақи қарийб 4 баравар ортди. Пахта толаси ва пилла ишлаб чиқаришнинг белгиланган миқдоридан 5 фоизини ва режалаштирилгандан ортиқ етиштирилганини ўз хоҳишларига кўра, жумладан чет элга сотиш ҳуқуқи давлат ва жамоа хўжаликларига берилди. Дастлабки маълумотларга кўра, колхоз ва совхозлар бундан жуда кўп миқдорда даромад олмоқдалар.

● Сўнгги йилларгача Ўзбекистон ҳудудидаги саноат корхоналарининг 60 фоизи собиқ Иттифоқ, 30 фоиздан зиёди иттифоқдош вазирликлар тасарруфида эди. Қазиб олинадиган ер ости бойликлари ва қимматли хом ашёларнинг хўжайини марказ эди. 1990 йил мартдан бошлаб иттифоқдош, ўша йилнинг август ойидан иттифоқ тасарруфидаги корхоналар асосан сентябрь ойидан бошлаб батамом Ўзбекистон ихтиёрига ўтди.

● Саноатда ижара, кооператив, акционерлик, аралаш мулк шакллари ривожланиб бораяпти, чет эл фирма ва уюшмалари билан аралаш корхоналар вужудга келмоқда. Ҳозир 70 га яқин қўшма корхона тузилиб, шундан учдан бир қисми ишламоқда. Уларнинг ҳаммаси ишга тушса 2,7 миллиард доллар ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарилади.

● Аҳолининг кам таъминланган табақалари, жумладан фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оналар, мактаб ўқувчилари ва талабалар, ўқитувчиларга ғамхўрлик қилиш ҳақида Президентнинг бир қатор фармонлари эълон қилинди. Ана шу фармонлар асосида 2 миллион 200 минг нафар бошланғич синф ўқувчилари бепул нонушта билан таъминланмоқда. Олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари кўпайтирилди, тушки овқат нархини қоплаш учун давлат томонидан маблағлар ажратилмоқда. Ёш келин-куёвларга керакли моллар, чунончи мебель сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатилаётир.

● Республика Президентининг «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги фармонига биноан 230 минг киши ана шу имтиёзлардан баҳраманд-бўляпти. 7813 оила қулай уй-жой билан таъминланди, 21 мингдан зиёд квартира шахсий мулк сифатида берилди. Якка тартибдаги қурилишлар учун қарийб 5 мингта ер участкалари ажратилди.

● Республикада халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлашни ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳам арзигулик. Ана шу соҳанинг ходимлари оладиган иш ҳақи жорий йилда 1,6—1,7 баробар оширилди ва шу мақсадлар учун икки миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

● Ўзбекистон Президенти «Республика ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва уни ўташни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» маҳсус фармон чиқарди. Шунга асосан ёшларимизнинг ҳарбий хизматни ўташлари тегишли вазирликлар ўртасидаги шартнома асосида ташкил қилинмоқда. Шу шартномага мувофиқ кузда аввал режалаштирилганига кўра ҳарбий хизматга 36 минг нафар ёш кам чақирилди. Республика йигитлари темирйўл қўшинларига чақирилмайдилар, ички қўшинларга ва ҳарбий қурилиш қисмларига юборилиадиганлар хизматни фақат Ўзбекистон ҳудудида ўтайдилар. Шунингдек, оиладаги ёлғиз ўғил ҳамда акалари ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўтаб бўлган энг кичик ўғил ва ишлаб турган чўпонлар ҳарбий хизматдан озод қилинадилар. Шу йилнинг ўзидаёқ мана шу тоифадаги ёшлардан тахминан 25 минг нафари ҳарбий хизматга чақирилмади.

ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Б. АВВАЛБЕКОВ, Ўзбекистон ХДП Октябрь район кенгашининг биринчи котиби: Кўппартиялилик республика мустақиллилиги меваси бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгани ана шу даврга тўғри келди. Шу сабабли ҳам партиямиз дастурий ҳужжатларида республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини изчил давом эттириш вазифалари чуқур сингдирилган. Район партия кенгаши ана шу вазифалардан келиб чиқиб, халқнинг турмуш даражасини кўтариш, моддий ҳимояланишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Ҳозир 21 та ҳудудий ва ишлаб чиқариш бошланғич партия ташкилотларига 1200 киши аъзо. Улар ўзларига топширилган вазифани сидқидилдан адо этмоқдалар.

Мен мустақиллик нима берди, деган саволга яна шундай дегим келади: Мустақиллик ўзлигимизни таниб олишимизга имкон берди. Неча ўн йиллардан бери ноҳақ тарзда «боқиманда» деб аталиб келган эл эндиликда ўз бахтини ўзи яратиши учун эркин меҳнат қилмоқда. Узоққа бормай шу йилнинг ўзида амалга оширилган тадбирларни мисол келтирай. Ўтган йили район аҳолисига уй-жой қуриш ва томорқа учун ер майдонлари ажратила бошлаган эди. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу иш яна-да кучайди. Ҳозиргача район бўйича 5200 оилага 1454 гектар ер тақсимлаб берилди. Янгидан вужудга келган 280 оила ҳовли тўйи ўтказди. Ажратилган томорқаларда етиштирилган 3 минг тонна полиз, 5200 тонна сабзавот район хўжалиги қаддини кўтариб турган жуда катта суянчиқ бўлди.

Республика Президентининг қарори асосида ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар ўзлари яшаб турган уйларга бепул эгалик қилмоқдалар. Кўп йил ҳалол меҳнат қилган ишчи ва хизматчилар эса давлат маблағига қурилган уй-жойларни ярим нархида ва ҳатто текинга расмийлаштириб олмоқдалар. Бепул, беминнат уйли-жойли бўлиб қолган аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжалиги ҳам ривожлантирилаётир. Шу мақсадда 1300 бош қорамол ва қўй-эчки, 20 минг парранда сотилди, 11,5 минг тоннадан зиёд емхашак етказиб берилди. Районда 24 та фермерлик хўжалиги вужудга келди. Фақат «Ширин» фермер хўжалиги бир йилда 40 тоннадан ошириб сут ва гўшт берди. Мустақиллик шарофати билан Охунбобоев номли давлат хўжалиги Туркия билан иқтисодий алоқа боғлаб, хорижга пахта етказиб бергани эвазига қишлоқда кичик корхоналар бунёд этмоқда. Бир пайтлар чўл ўрнида барпо бўлган хўжаликларнинг шу пайтгача олган даромадлари харажатни қоплашга аранг етарди. Етиштирилган пахтанинг 5 фоиз миқдори, шунингдек, режадан ортиқча тайёрланган ҳосилни сотиш ихтиёри хўжаликларнинг ўзига берилгандан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди. Ана шу тадбирнинг ўзиёқ фақат чиқимдор хўжаликларнинг ўзига 25 минг сўмдан зиёд фойда олишларига имкон берди.

Мана шу ўзгаришлар ҳам республикамиз ҳур, озод бўлгани сабабли юзага келди. Чунки Ўзбекистон эндиликда ўз рўзғорини ўзи тебратаяпти, ўз даромадини ҳеч кимга бермай ўзи ишлатяпти. Биз ана шу даромадларнинг фақат халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш йўлида сарфланаётганидан мамнунмиз. Буни халқ кўриб-билиб турибди. Шунинг учун эртага республика Президентлигига сайловда шу ишларнинг бошида турган номзод И. А. Каримов учун, мустақиллигимизни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш учун овоз беришга қарор қилдик.

ФАОЛЛАР ФАОЛИЯТИ

Бўка районидаги Мичурин номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 26-сайлов участкасидамиз. Бу ерда Серикбой Қосимбеков навбатчилик қилаётган экан. Узун столда рўзнома тахламлари, радио, телевизор. Деворда махсус тахтага Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги Қонун, Президентликка номзодлар — И. А. Каримов ва Муҳаммад Солиҳнинг портретлари, таржимаи ҳоллари, ҳамда участка навбатчилари рўйхати илиб қўйилган. Телефон ишлаб турибди.

— Сайловчилар келиб туришибдими? — сўраймиз участка навбатчисидан.

— Келишяпти. Улар кўпроқ референдум юзасидан саволлар бериб, қониқарли жавоб олишяпти. Шунинг учун биз референдум ва Президентликка сайлов ўтказишга доир эълон қилинган материалларни алоҳида кўзга кўринарли жойда сақлаяпмиз. Ўрни келганда ўз фикримни ҳам айтай. Мен Ўзбекистон тўла мустақиллиги тарафдориман ва бошқаларни ҳам шунга даъват этаман. Президентликка номзод хусусида эса республика равнақи учун қўлидан келган барча ишларни қилаётган Ўзбекистон ХДП раиси И. А. Каримов учун овоз бермоқчиман.

Суҳбатга қўшилган жамоа хўжалиги партия кенгаши котиби, сайлов комиссияси раиси Ибраим Аширбоев Президент Фармонларининг бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида гапирди. Жумладан, йилдан-йилга пахта майдонлари қисқариб, ўрнига сабзавот маҳсулотлари, озуқабоп экинлар экилаётгани, аҳолида чорва моллари бош сони кейинги йилларда уч баравар қўпайгани, хўжалик аъзоларига дон-дун, пиёз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари берилгани ҳамда қулайликлар яратилаётганини таъкидлади.

Сайлов участкаси котиби Ҳамид Аширматов хўжаликда спорт бўйича инструктор бўлиб ишлар экан. У республика Президентининг қишлоқда спорт ва жисмоний тарбия ишларини янада кучайтириш борасидаги хайрли ишлардан кўпчилик мамнунлигини айтди. Жамоа футболчилари вилоят биринчилигида олдинги ўринлардан бирини эгаллабди. У бўлажак сайловларга ҳам ўз муносабатини билдирди.

— Бизнинг сайлов участкамизда кўпчилик И. А. Каримов номзоди учун овоз беради, деб ўйлайман, — деди у.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Мен ёшлигимда ота-онам бағридан айрилиб, Қўқондаги 3-болалар уйида тарбияландим. Билим юртини тамомлаб, ҳозир савдо ходими бўлиб хизмат қилаяпман. Кўплар қатори жумҳуриятимиз тақдири мени ҳам ўйлантиради.

Президентликка номзоди кўрсатилган Ислом Каримов республикамиз мустақиллиги учун, халқ фаровонлиги учун кўп иш қиляпти. Мен ифтиҳор билан у киши номзодини ёқлаб овоз бераман. Болалар уйида бирга ўсиб-улғайган барча дўстларимни ҳам республика Президентлигига номзоди кўрсатилган шу инсонга овоз беришга чақираман. Ишонаманки, бўлажак Президентимиз Ислом Каримов ҳалқимиз ҳаётини тез кунларда яхши йўлга олиб чиқадилар.

М. АЛИМҚУЛОВ,
Тошкент шаҳри.

Тошкентлик озарбайжонлар ОВОЗИ

Республика пойтахтида истиқомат қилувчи озарбайжонлар шу миллат вакилларининг йиғилишиб турадиган маданият марказига мурожаат этиши айни муддао бўлди. Улар бўлажак Президент сайлови ва республика референдумига муносабатларини изҳор этиб, бу ниятни кўпчиликка овоза қилишимизни илтимос қилишди.

Муҳокамада сўзга чиққан тошкентлик озарбайжонлар кейинги йилларда тадбиркор иқтисодчи, ишбилармон раҳбар Ислом Каримовнинг Ўзбекистонга раҳнамолиги чоғларида серқуёш ўлкамизда яшаш тарзи яхшилик сари тубдан ўзгариб бораётгани ҳақида гапирдилар. Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилингандан бери одамлар истиқлол шабадасидан баҳраманд бўлиб, эркин нафас ола бошладилар. Маълумки, Ўзбекистон, хусусан унинг пойтахтида тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, озарбайжон, яҳудий, рус, армани, украин, беларус, татар миллатларнинг юзга яқин вакили истиқомат қилмоқда. Уларнинг тақдири Ўзбекистон халқлари турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетган. Улар бир-бирлари билан қондош-қариндош, уруғ-аймоқ ва қуда-қудағай бўлишган. Республика халқлари қатори биз ҳам ҳақли равишда Ўзбекистонни ўз ватанимиз деб биламиз.

Ўзбек ва озарбайжон халқларининг имон-эътиқодлари ҳам бир, тиллари ҳам ўхшаш, расм-русум ва удумлари ҳам ўзига хос. Радио ёки телевидение орқали қўшиқ ё мусиқа таралганда ҳар иккала миллат вакили баробар завқланаверади. Биз Ўзбекистон халқлари қатори ўзига хос байрамга шайланиб турибмиз. Халқимизнинг содиқ фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг республика Президенти бўлиши учун якдиллик билан овоз беришга тайёрмиз.

Тошкентдаги Озарбайжон маданият маркази аъзолари: Оллоҳверди ФАКРАДОВ, Рза НОВРАСЛИ, Исмоил МАМЕДОВ Сулаймон МАМЕДОВ, Амирхон АМИРОВ, Паша ИМОМҚУЛОВ, Наби РАҲИМОВ, Ҳасан РУСТАМОВ, Орзу ОҒАЕВ, Рашид ҒАЖИЕВ, Явар, Муҳаррам МАМЕДОВА, Ихтиёр РЗА ва бошқалар.

Сўз—муштарийларимизга

УМИДИМИЗ КАТТА

● Бу йил Ўзбекистон тарихида биринчи марта 1 сентябрни Озодлик мустақиллик байрами сифатида нишонладик.

Эртага эса умумхалқ референдумида фаол иштирок этиб, ана шу мустақиллик учун расмий тарзда овоз берамиз. Мустақиллик нақадар орзиқиб кутилган эрқинликдир. Эндиги вазифа ана шу мустақилликни тўла-тўкис амалга оширишдан, уни мустаҳкамлашдан иборат. Бунинг учун бир тан, бир жон бўлиб, кўп меҳнат қилишимиз, келажакка ишонч билан қадам ташлаб, ҳар бир соҳада олға силжишимиз керак.

Менинг назаримда маҳаллий миллат вакилларидан ўз келажаги учун жон куйдирадиган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, етук кадрларни тайёрлаш мустақилликнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бу борада айниқса, олий ўқув ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари жонбозлик кўрсатишлари лозим. Кейинги икки йил мобайнида Президентимиз И. А. Каримов ташаббуси билан дастлабки қадамлар қўйилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча талабаларимиз хорижий мамлакатларда билим олишмоқда.

Бир ёўз билан қатор омилларни тилга олиб ўтишнинг иложи йўқ. Ҳозиргача нечоғлиқ иш амалга оширилган бўлса, буларнинг ҳаммаси дастлабки қадамларимиздир.

М. АЛИҚУЛОВ,
Жиззах вилояти, Зарбдор районн марказий касалхонаси бош шифокори, соғлиқни сақлаш аълочиси.

МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК

● Биз Ўзбекистонда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни синчиклаб кузатиб борамиз. Кейинги икки йил мобайнида республикамизда юз бераётган ўзгаришлар бизни ҳам ғоят қувонтирди.

Эрк қуёши қанчалик порласа, халқларимизнинг бахти шунчалик кулади. Жондош-қондош бўлган қозоқ ва ўзбек халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, битта ҳаводан нафас олиб, аралаш-куралаш бўлиб яшаб келганлар.

Ҳозирги кунда Қозоғистонда ярим миллиондан зиёд ўзбеклар яшашмоқда. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлганлигидан беҳад шод. Мустақиллик сари биргалашиб, маслаҳатлашиб, демократик асосдаги давлатларни қура олсак, ана шунда халқларимизнинг азалий орзу-умидлари ушалган бўлади.

С. АБДУШАРИП,
Қозоғистон Республикаси, Туркистон шаҳри.

ЗАМОН ТАҚОЗОСИ

● СССР барбод бўлди. Унинг 70 йиллик тарихи тугади. Энди янги давр, янги ҳаёт бошланиши керак.

Уч мустақил республика ҳамдўстликка аҳд қилиб, марказ тазъйиқи ва зўравонлигидан қутилиш учун астойдил киришдилар. Бошқа республикаларнинг ҳам бунга қўшилиши тарихий воқеадир. Бир қарагандa, марказнинг барбод бўлиши ачинарли аҳволга ўхшайди. Чунки бизнинг Москвага сажда қилиш, қандай буйруқ беришса, лаббай деб туриш танимизу-қонимизга, онгу-одобимизга сингиб кетган эди. Бундан қандай қутилиш мумкин эди? Наҳотки, бизнинг ҳам олдимизда ҳақиқий эркинлик, мустақиллик истиқболи очиляпти?

Ҳа, ҳеч ишонгингиз келмайди, бироқ шу кечаю-кундузда рўй бераётган воқеалар ростданам тарихийдир.

Шу вазиятдан фойдаланиб, ҳақиқий мустақилликка эришмасак, авлодлар бизни ҳеч қачон кечирмайдилар. Етар, 125 йиллик мустамлакачилик! Энди Ўзбекистон халқлари бир ёқадан бош чиқариб, ана шу миллий мустақилликни мустаҳкамлашимиз зарур.

А. ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор.

* * *

● Мустақил давлатларнинг Ашхобод ва Олмаотадаги учрашувлари натижалари ҳаммамизда яхши таассуротлар қолдирди.

Ҳақиқий мустақилликка эришдик ва мустақил республикаларнинг ҳамдўстлиги тузиляпти. Бу, биринчидан, халқимизнинг қон-жонига сингиб кетган байналмилаллик, дўстлик, ҳамжиҳатлик руҳи яна бир бор янги мазмун билан ўзини намоён этди, қолаверса республикамиз ҳамдўстликка тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Бундай ҳамдўстлик энг аввало барча халқларнинг фаол иштироки билан табиий офатларни бартараф этишда кераклидир.

Орол атрофи мана шундай офат қучайган ҳудудлар жумласидан. Денгизнинг қуриб-қақшаб бораётгани, чанг ва туз бўронлар Қорақалпоғистон ва Қозоғистоннинг Орол атрофида жойлашган вилоятлари аҳолиси турмушини ғоят қийинлаштириб юборди. Биз шу жиҳатдан Ашхободда Орол муаммоларини биргалашиб ҳал этиш ҳақидаги қарор қабул қилинганлигини айниқса қувонч билан кутиб олдик. Куч бирликда, деган гап бор элимизда. Биз беш республиканинг боши бир ёқадан чиқса табиий офатларни енгишимиз анча осонлашади.

Мен ана шулар ҳақида ўйларканман, Ўзбекстон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида бажариладиган дастлабки юмушлар доирасида Орол атроф муҳитига доир вазифалар биринчи бўлиб қамраб олиниши зарур, деб биламан. Чунки табиий офат ямяшил экинзорларимизни қийратибгина қўймай, халқнинг соғлиғига путур ҳам етказди. Бутун бир халқ касалманд элга айланди. Халққа дардман бўлишдан муҳимроқ вазифа эса йўқ. Мен ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти даставвал мана шулар ҳақида ўйлаши ва сўйлаши керак деб, сайловчи сифатида ундан шуни талаб қиламан. И. А. Каримов бу ишнинг уддасидан чиқишига ишонамиз. Чунки у Ўзбекистон Президенти бўлиб ишлаган қисқа вақт ичида бутун кучини, вақтини халқ учун, халқнинг фаровон яшаши учун сарфлади. Қорақалпоғистонлик ҳар бир оила 25 сотиҳдан томорқали бўлди, ўзининг сигирига, қўй-эчкисига, паррандасига эга бўлди.

Мен Қорақалпоғистонлик энг кекса сайловчилардан бирман. Умримда жуда кўп мана шу хилдаги сайловларда қатнашганман. Ростини айтганда, эртага бўладиган сайлов шу пайтгача бўлганларидан тубдан фарқ қилади. Чунки бу галгиси халқнинг мана шундай маъракада жон дили билан қатнашаётган ҳақиқий умумхалқ сайловидир. Шукурки, мана шундай одил, халқпарвар замонларга ҳам етиб келдик.

А. ШАРИПОВ,
партия ва меҳнат ветерани, республика миқёсидаги шахсий пенсионер. «Қўнғирот» давлат хўжалиги.

«ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ»МИЗ КИМ?

Қайси идорага қирманг, катта-кичик раҳбарларнинг хоналарида ва ҳатто жамоатчилик жойларида ҳам кўзингиз осиғлиқ турган В. И. Ленин, К. Маркс, Ф. Энгельс, М. С. Горбачев ва бошқаларнинг портретларига тушади. Қизиқ, улар тутган йўл ва сиёсатнинг нотўғри эканлигини бугун ҳаммамиз қораламоқдамиз. Бас, шундай экан, нима учун бу йўлбошчиларни «йўлчи юлдуз» қилиб кўз-кўз қилишимиз керак?!.

Мана, республикамиз мустақил бўлди. Мустақил республиканинг ўз «йўлчи юлдуз»лари бўлиши керак. Ахир бизнинг тарихимизда ҳам буюк давлат, жамоат арбоблари бўлганлар. Эртаги сайловда ким Президент бўлиб сайланса, ўша кишининг портретини қўяйлик. Ахир бу ҳам мустақиллик куртаги эмасми?!. Ваҳоланки, дунёнинг маданийлашган давлатларида ишлаб турган президентларнинг портретлари ҳар бир давлат идораси хоналарини безаб турганини унутмайлик. Миллий гуруримизни оёқ-ости қилмайлик!

С. ҲАСАНОВА,
«Маърифатнома» рўзномаси ходими.

Суратларда: 1. Туркиядан келтирилган маҳсулотлар туширилмоқда. 2. Туркиялик учувчилар Тошкент тайёрагоҳида.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган суратлар (ЎзТАГ).

● ТУРКИЯ—ЎЗБЕКИСТОНГА

БИРОДАРЛАРИМИЗ СОВҒАСИ

Жума оқшомида Тошкент осмонида иккита хорижий учқич пайдо бўлди. Ҳадемай баҳайбат самолёт кемалари «Тошкент-2» тайёрагоҳига қўнишди. Одатдагидек ҳарбий юкларни ташийдиган самолётларнинг экипажлари шарафига карнай-сурнай чалинди, меҳмонларга гуллар, нонтуз пешкаш қилинди. Атлас кийган қизлар учувчиларни рақсга тортишди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги мустақил Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси Туркияга қилган расмий ташрифининг завқу шавқи сўнгани йўқ. Ҳамкорлик ва дўстлик ришталари боғланди, тоталитар тузум туфайли ёпилиб қолган қардошлик китоби яна қўлга олиниб, кўзга суртилди, унда янги битиклар пайдо бўлди. Тошкент — Анқара ҳаво кўприги ишга тушди. Бугун шу кўприк орқали туркиялик учувчилар тинчлик, биродарлик ва хайр-эҳсон юкларини — Туркия Қизил Ой жамиятининг ўзбек халқига совғасини олиб келишди.

Аэропортда бўлиб ўтган митингда учувчиларнинг мингбошиси Жамол Чўқор шундай деди:

— Ўзбекистонга, Ислом Каримов жаноби олийларига Жумҳурраис Турғут Ўзол, Бош вазир Сўлаймон Демирэл ва сизларни бағоят севувчи туркияликлардан саломлар олиб келдик. Биз бу ерга етказган озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар республикангиз ҳукумат делегацияси мамлакатимизга қилган сафаридан кейинги биринчи ёрдамидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари А. Муталов меҳмонларга қарата табрик сўзи айтди. Ў республика ҳукумати ва халқи номидан туркияликларнинг беминнат моддий ёрдами учун миннатдорчилик билдирди. Туркия Қизил Ой жамияти юборган ун, шакар, дори-дармон ва бошқа маҳсулотлар болалар уйлари, қариялар ва муҳтож оилаларга етказилади.

Туркия армиясининг учувчиси Маазим Тўрин билан Туркия Қизил Ой жамиятининг шўъба мудири Ҳасан Ўримаз жаноблари билан суҳбатда бўлдик. Улар мустақил, ҳур ва озод ҳаётга дадил одим ташлаган отамакон юрт — Ўзбекистон тупроғига оёқ қўйганликлари учун Оллоҳга шукурлар айтишди.

Митингда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Шаҳобиддин Зиёмов иштирок этди.

* * *

Кеча туркиялик меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ва Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари А. Муталов қабул қилдилар.

А. АБДУБАННОПОВ.

ГУЛШАН ЧИРОЙИ

● Навоий районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигининг марказий хиёбони «Гулшан» деб аталади.

Бу ерда ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилмоқда. Яқинда «Наврўз» болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Қишлоқ амбулаторияси ҳам аҳоли хизматида. Водопровод суви ва табиий газ киритилган. Шу райондаги «Бухоро» жамоа хўжалигида гилам тўқиш цехида иш ҳам бошланди. Қизилтепа районидаги «Бўстон» давлат хўжалиги марказида эса «Тошработ» универмаги фойдаланишга топширилди.

М. ШАРОПОВ.

ГУРУНГ

ДАЛА КЕЗАР ОТАХОН

Мадамин ака асли Шаҳрихонда таваллуд топган. Қорақалпоғистонда у кишини бизнинг отахон дейишади. Бунинг бокси бор.

Мадамин Маматхонов 1934 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик агрономлари тайёрлаш курсини тамомлаб, «Авангард» жамоа хўжалигида ёш мутахассис сифатида фаолият бошлаган эди. Малакали мутахассисни орадан беш йил ўтгач Ўзбекистонда халқ оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев билан Марказком биринчи котиби Усмон Юсупов Қорақалпоғистонга боришни маслаҳат беришди.

Жайҳун дарёсидан сув ичган катта майдонларда қорақалпоқ пахтаси ҳосилдорлигини ошириш, юқори унумдорликка эришиш тақозо этиларди. Мадамин ака бир гуруҳ мутахассислар қатори пахтачиликда орттирган билим ва тажрибасини ишга солиб, ҳосилдорликни юқори даражага кўтаришга муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, Чимбой районида агрономлик қилди. Улуғ Ватан уруши йиллари Шаббоз (ҳозирги Беруний) районидаги қатор хўжаликларни бошқарди. Кейинчалик сиёсий бўлим бошлиғи ўринбосари, партия ташкилоти котиби, овул Кенгаши раиси лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди. Ҳозир Беруний номли давлат хўжалигида метеоролог-агроном бўлиб турибди.

Отахонни ҳамқишлоқлари миришкор инсон сифатида ҳамиша ҳурмат билан тилга олишади. Унинг қорақалпоқ диёрида деҳқончилик маданиятини юксалтириш, коллектор-дренаж тармоқларини кенгайтириш, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, уруғчилик самарадорлигини кўтаришдаги улуши баракали бўлди. Шогирдлари жуда кўп. У бир неча бор овул ва район Кенгашларига депутат бўлиб сайланди. «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвонига эга бўлди.

Мадамин ака ҳозир пирибадавлат оилалардан бирига бош. Ўзининг 75 баҳорини қаршилаган миришкор бобо ҳамон дала кезмоқда. Ёшларга меҳрибон маслаҳатчи. Унинг 7 нафар фарзанди, 29 набираси бор. Отахоннинг ўзига хос тўйини ҳамқишлоқлар кенг нишонлашди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Пиру—бадавлатлар*

Ёшим 70 ларга яқинлашди. Бу — мураккаб, серташвиш оғир ва машақатли, умидли ва ишончли йиллар. Булар алоҳида хотиралар дафтари.

Ҳозир бошқа масала, бошлиқлар ва улар ҳақида холисанлиллo хотира. Мен собиқ котиблардан Акмал Икромовни бир-икки кўрганман. Ҳар қалай оиламиз (фаоллар бўлишган) яхши тилга олишарди, менинг қалбимда курсдошим — у кишининг жияни доно Муршидахоннинг кўз ёши...

Кейинги раҳбарлардан Усмон Юсуповнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ҳақида бир мунча кўпроқ биламан. Аммо Шароф Рашидов ҳақида хотираларим, мулоқотларим анча. У кишининг одамийлиги, раҳбарлик кўлами ҳақида кўп гапирса бўлади.

● 1963 йилнинг баҳори. Марказий Комитет қабулхонасидан институтга телефон қилиб, мени йўқлашган. Уйга келсам, рафиқам: «Рашидов қабулхоналарига тезда телефон қилинг, у киши сиз билан гаплашиш истагини билдирган» деб айтди. Минг хаёл билан қабулхона рақамларини тердим.

Хушнуд оҳанг билан котиба: «Ҳозир Сиз билан Шароф Рашидович гаплашадилар» деди. Илиқ ва самимий саломдан кейин Шароф Рашидов ўз номлари, оила аъзолари ҳамда Котибият ва Бюро номидан мени «Абдулқосим Фирдавсий» (1962) ва хусусан олий ўқув юртларига ёзган дарслигим (1 китоб, 1963 йил) билан қутлаб, янги ижодий режалар тиладилар. Самарқанд университетида таҳсил олганлари, етук устозлардан сабоқ тинглаганларини эсладилар. Тилим фақат «Раҳмат» сўзига кушод. У кишининг суҳбати яна бироз давом этди...

● 1967 йилнинг 19 февраль — мусибатли якшанба куни. Мақсуд Шайхзода оғир хаста — 1-шифохонада бутун оиламиз — рафиқам, ўғлим (Любомир — у киши бобоси номи билан Элмурод дер эдилар ва қизимиз — Наргис) борган эдик. Қандайдир қайғули сокинлик чўккан. Навбатчи ҳузурига базўр бордим. Шайхзода 1-1,5 соат муқаддам вафот этганлиги маълум бўлди. Бролалар билан кириб, видолашдик. Уларни уйга жўнатиб, ўзим қолдим. Домла Шайхзода дўсти, иқтисод фанлари доктори Али Мамедов қўлида жон берган. Бечора Сокина кенойи уй ремонти ташвиши билан шаҳарга тушган экан. Иккинчи қаватдан бир уй бўшаб, машъум тўртинчи этаждан тушмоқчи бўлишган. Аммо мойлаш ишлари битмаган. (Қоғоз ёпиштирдик...).

Бирон соат ўтар-ўтмас Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Сарвар Азимов ва Марказий Комитет масъул ходимлари келишди. Таъзия хусусида маслаҳатлар бўлди..

Яна бирон соат ўтар-ўтмас кўзига ёш олиб Шароф Рашидов кириб келди. У киши жасад ёнида қаттиқ изтироб билан 5-10 минут туриб қолдилар. Сўнгра кўзларини артиб, Сокинахонга таъзия билдирди. Бошқалар билан салом-алик бўлди. Шароф ака Сокинахонни мумкин қадар юпатишга интилар эдилар.. Бу борада медицина ахборотини олиб киришди.. Шароф ака Шайхзода билан видолашув маросими Навоий театри биносида бўлади, дафн Чиғатой мозорида, дедилар. Маросимнинг бошқа чора-тадбирлари ҳақида сўз борди...

Душанба куни. Театр майдони... Тумонат одам... Ўнлаб юмшоқ ўринли автобуслар, юзлаб енгил машиналар. Гулчамбар ва гулдасталарнинг поёни йўқ. Мотам митинги бўлиб ўтди. Шайхзода қабристонга устоз дўстлари — сафдошлари қаторига қўйилди. Кейин унга Абдулла Қаҳҳор (1967 йил), Ойбек — 1968 йилнинг 1 июли ва ниҳоят Шайхзода ардоқланган академик Иброҳим Мўминов ҳамҳона бўлишди.

Шайхзода хотирасига чиройли ёдгорлик қўйилиб, халққа ёд бўлиб кетган «Умрлар бўладики...» машҳур тўртлиги битилди.

● 70-йилларнинг бошлари Шароф Рашидов қабулхонаси. Семашко дорулшифосининг директори, профессор Мўминов ва мен бирга таклиф қилиндик. Шароф Рашидов истиқболимизга юриб келдилар.

Салом-аликдан кейин Мўминов домланинг саломатлигини суриштириб, ташриф буюрганлигининг сабаби билан танишдилар.

Домланинг оёқ оғриғи туфайли кўп жойларга, йиғилишларга боролмаслигини эшитиб, «Энди Сиз борманг. Ўринбосар ва ёрдамчиларингизни юборинг», — дедилар мулойимлик билан. Сўнгра шифохона биносини кенгайтириш ва жиҳозлаш масалалари ҳақида гап борди. Барча режалар билан танишиб, қурилиш ишлари мумкин қадар тез муддатда амалга оширилади деб, домла билан ҳўшлашдилар.

Навбат менга келди. «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» тадқиқотини тезлаштиринг, нашр этиш ва бошқа ишларга мен ёрдам бераман, дедилар. Китоб тайёр бўлиб, 1974 йилда босилди...

● 1979 йилнинг ёзи. Навоийшуносликка фанининг тадқиқотчиси, моҳир ташкилотчи Ҳамид Сулаймонов вафот этди. Фидойи алломанинг шогирди ва қўшниси сифатида уч кун таъзияда турдим. Тўртинчи куни эрталаб телефон бўлди. Устознинг рафиқалари Фозила Комиловна: «Натан, тез келинг. Шароф ака келяптилар» деди.

Академик Обид Акрамхўжаев бошчилигида Шароф Рашидов ва Қурбонов, Хўжаевларни (котиблар) кутиб олдик. Обид ака қисқа маълумот берди. Шароф ака Фозилахон, фарзандлари — Рустам, Султон ва Зуҳра билан саломлашиб, уларнинг балоғати ва уччаласи ҳам фан номзоди бўлганидан хурсанд бўлиб, аввалги уч куни Франциянинг олий меҳмони билан банд бўлгани, фақат бугун — тўртинчи куни келишга имкон топгани учун узр сўраб, келажак режалар ҳақида дастлабки мулоҳазаларни айтиб, яна бошқалари ҳақида бафуржа суҳбат қилишларини билдириб, хайрлашдилар.. Режаларнинг кўпи амалга ошди.

Мен Шароф Рашидовни шундай хотирлайман. Ниҳоят тез ва ораста тикланган Тошкент шаҳар метроси, Халқлар дўстлиги саройи ва бошқалар билан фахрланаман... Эзгулик шу бўлса керак. Ҳа, у зотнинг ўзи пок, дили пок эди.

Натан МАЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

• ЁДНОМА

ЎЗИ ПОК, ДИЛИ ПОК

Ҳар бир эртак одатга кўра аввал «Бор экану»дан бошланади. Бизнинг мазкур «эртак»ка «йўқ экан», деган давоматни бу аснода қўшмай турамиз. Чунки бу асли афсона эмас, ҳаётда бор гаплар. Агар эшитсангиз, ёлғон гапирмаётганимизга ишонишга ноғаҳон мойил бўларсиз.

...Жарқўрғон шаҳрида бир хонадон бор. Горький номи билан аталадиган кўчанинг ўнинчи уйидаги учинчи квартира. Уй соҳибасининг фамилияси ўзбекона бўлгани билан у асли рус аёли.

• *Амалий санъат*

ГАЛИНА ОПАНИНГ ЭРТАКЛАРИ

Ҳамшаҳарлари уни Галина Тихоновна дейишади. Бу шаҳарнинг энг меҳмондўст хонадонларидан. Фақат бир жиҳати қизиқ—хонадонга катталардан кўра кўпроқ болалар-мактаб ўқувчилари меҳмон бўлишади. Болалар пайғамбаримизнинг энг тақводор умматларидан. Меҳмонга борганда улар мезбондан зиёфат, сарупо ва шунга ўхшаш манфаат таъма қилмайдилар. Улар ширин тилнинг ва қизиқ томошаларнинг ошуфтаси. Галина Тихоновнанинг уйида эса худди шу нарсалар муҳайё.

Бу оддий фуқаронинг уйида болалар учун нима томошалар ҳам бўлиши мумкин деб, ўйларсиз. Шу-да. Ўз кўзи билан кўрмаган банда шубҳанинг қули бўлиб ўтираверади.

Уй ичкарисига киришингиз билан катталиги ўзига тўртта келадиган бочкани елкасига олиб, сув олиб келишга отланган паҳмоқ айиққа дуч келасиз, деган гапга-ку ҳеч ким ишонмайди. Ҳов нарироқда бўлса арслон ўжар болаларини эргаштириб овга жўнаётганига кўзингиз тушади. Назарингизни бир нафас арслондан узолмай қоласиз. Унинг важоҳати қўрқинчли. Лекин болаларига меҳри баланд. Унинг куч-қуввати чексиз. Лекин оч болаларининг қорни тўймаётганидан эзилгандай. Бироқ бугун ов яхши бўлади. Катта ўлжа билан қайтадилар. Сўнг мазза қилиб бир ҳафта ётиб ўхлайдилар. Қаранг, ҳаёт деганлари қанчалар қизиқ, қанчалар рангба-ранг.

Шохлари уч доира айланиб кетган қўчқорни кўрганмисиз? Қўзиқоринниг ердан униб чиқиши билан шамчироққа айланиб қолганини, чекаётган одамга тамакининг кулини гиламга сочгандан кўра менинг оғзимга ташлай қолинг, деб жағини очиб турган тимсоҳни-чи? Кўрмагансиз. Кўрмоқчи бўлсангиз, марҳабо, манзилгоҳ ўша — Бўронова Галина опанинг уйи.

Болалар бу уйга нима учун ошиқишини энди бемалол фахмласа бўлади.

Энди бу эртакнинг чин гаплигига ишонишингиз учун шундай деймиз: Бўронова Галина Луначарский номли мактаб қошидаги ёш техниклар гуруҳининг директори. Кулолчилар тўгарагининг раҳбари. Болалар эса унинг жонидили. Касби муҳандислик бўлгани билан ўн йилдирки, мактабда ишлайди. Биз таърифини келтирган айиқлар, шерлар Галина опанинг ўзиники, ўзи ясаган. Болаларнинг аломатлигини айтинг: лой қоришни, шерга ярашадиган мўйлов ясашни, буюмларга бўёқ беришни қойиллатиб ўрнига қўйишади. Энди тўртинчи синфда ўқиётган Женя, Ася, Кинезлар ясаган буюмларни кўрганда жонли ҳикоялар, эртакларни ўқигандай бўласиз.

Кўрдингизми, болалар ўз эртакларини яратаяптилар. Ўз эртакларини ардоқлаб, ўз эртакларига ишониб яшаяптилар. Эртакларда эса ҳамиша яхшиликлар яшаб қолади. Қани, энди, ҳаётнинг турган-битгани эртаклардагидек бўлса...!

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУБОРАКБОД

Ўзбекистон Республикаси Уруш, меҳнат ва қуролли кучлар фахрийлари кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов туғилган кунга 80 йил тўлди. Шу муносабат билан 25 декабрь куни ўтказилган йиғилишга келган кишилар Р. Ғ. Ғуломовни муборакбод этдилар.

Р. Ғ. Ғуломов кўп йиллик самарали ишлари ва республика ижтимоий ҳаётида фаол қатнашётганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг топшириғига биноан Р. Ғ. Ғуломовга Фахрий ёрлиқни топширди.

Р. Ғ. Ғуломов ўз жавоб сўзида шанига айтилган гаплар учун миннатдорчилик билдирди. Ёшларда Ватанга муҳаббат, фуқаролик ғурури ва инсонпарварлик туйғуларини тарбиялаш фахрийлар ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Р. Ғ. Ғуломовни табриклашга бағишланган йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

Ёш раққосалар. Р. Альбеков олган сурат.

НИЗОМИЙ ХАЗИНАСИДАН

Яқинда Шарқ классик адабиётида ҳамсачиликка асос солган Низомий Ганжавий таваллуд топган куннинг 850 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Буюк Низомий шахмат кураши мотивидан бадиий восита сифатида кенг фойдаланган. Бу илк бор унинг «Хисрав ва Ширин» достонида акс этган. Асарда кўрсатилишича, шоҳ ўзининг ўғли Хисравни жуда севади. Унинг бундан таҳликага тушган душманлари Хисрав Парвиз номидан қалбаки пул ясаб, шаҳарларга тарқатишган. Шоҳ қалбаки пулларни кўргач. Хисравдан шубҳаланиб уни маҳв этмоқ истагига тушади.

Шуни шоир бундай таърифлайди:

Ул мансубани шоҳ билиб қолгач,
Хисрав шатранжда бой берди қўйди.
Шоҳ истади — ўйин қилиб майдонда
Янги шоҳни тутиб солсин зиндонга.

Хисрав отасининг ниятини билгач, қочиб кетади. Ҳақиқатда воқеа қандай бўлганлигини шоҳ анча вақтдан кейин билиб олади, Хисрав шундан сўнггина саройга қайтади. Отасининг вафотидан сўнг тахтга чиқарилган Хисрав айш-ишратга берилиб кетади. Мамлакатдаги вазиятдан хабар топган Баҳром Хисрав устига қўшин тортади. Хисрав Озарбайжонга қочади. Буни шоир қуйидагича тасвирлайди:

Замона Хисравга бўлмади паноҳ,
Баҳром қаршисида мағлуб бўлди шоҳ.
Харифи шатранжда лол қолган чоғда,
«Кишт» деди Хисравга, қолдириб доғда.

Низомий достоннинг сўнгида насиҳат этиб дейди:

Дон каби сочилган кўкариб ердан,
Сумбулдек уфурма калтак еб елдан.
Дунё бир шатранждир, унутма буни,
Икки руҳ бирлашса куч етмас белдан.

Шоир машҳур «Искандарнома» достонида ҳам шахмат тўғрисида куйлайди. Бу асарда шахмат илк дафъа Эрон ҳукмдори Доро билан унинг сарой паҳлавони орасидаги суҳбатда тилга олинган. Искандар Зулқарнайннинг Эронга қўшин тортиб келаётганини эшитган Доро дарҳол ўзининг яқин одамларини тўплаб бир чора топишга ундаганида бир паҳлавон бундай маслаҳат беради:

Ҳар мушкул калиди сабрдир, инон!
Сабрли кимсалар бўлмас пушаймон.

• 64 КАТАК СИРИ

Бефойда сурса ким «фил» ила «от»ни
Хор қилар албатта буюк шахматни.

Шоир достоннинг яна бир жойида ёзади:

Яхшидир хайрли ишга қўл урмоқ,
«Рух»ни деб «шоҳруҳ»дан узоқроқ турмоқ.

Низомий достоннинг бошқа жойида Чин ҳоқонининг Искандар Зулқарнайнга қилган инъоми хусусида дейди:

От-у рух жанг қилса, қийин бўлғуси,
От-у фил бирлашса — кучга тўлғуси.

Фил билан отнинг ҳаракатини кўрсатувчи бу мисол ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Шоир Искандарнинг Занзибар подшосига юборган хабарида:

Филларнинг ёнида борган пиёда
Жанг қилур бир оз филдан зиёда,

деб шахматда маълум бўлган бир ҳолга: филнинг йўлини пиёда тўсиб қўйишига ишора қилади ва Искандар филларидан асло қўрқмаслигини айтади.

Шоир Искандарга жангсиз таслим бўлган ҳукмдор Нушоба ҳақида бундай дейди:

У биллур тахтидан оҳиста тушди,
Чин юрак сўзлари лаблардан учди.
Тахтимда, — деди, — сен ўтир номидир,
Бир тахтга ярашмас икки тождор.
Билурсан, шахматнинг икки шоҳи бор,
Бир-бирин қилурлар ғамга гирифтор.

Низомий шахматдаги доналарнинг ҳаракат қоидасидан фойдаланиб ажиб хулоса чиқаради:

Одат сари доим тўғри юрувчи аскар,
Вазир бўлгач, дарровоқ эгри йўл танлар.

Яъни оддий одамлар — пиёдалар тўғри юрадилар, вазир-фарзинлар қийшиқ йўл тутадилар, деб замонасининг ижтимоий тузумига нафрат билан қарайди.

Энди қуйидаги масалага эътибор беринг:



Шарти: Оқлар бошлаб икки юришда мот қилади. Имкони борича доналарга қўл урмай тўғри ечимни топишга ҳаракат қилинг.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

• *Саломатлик—туман бойлик*

ТАНҚИСЛИККА ҚАРАМАЙ

Иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир шароитда аҳоли барча қатламларини ижтимоий ҳимоялаш республикамиз раҳбарияти, мутасадди ходимларнинг биринчи галдаги вазифасига айланмоғи шарт. Тан олиш керак, шу пайтгача соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига тўланадиган иш ҳақи бошқа соҳаларга нисбатан сезиларли даражада тафовутга эга эди. Ваҳолонки, тиббиётчиларнинг меҳнати, уларга яратилган шарт-шароитлар талаб даражасида деб бўлмасди. Бунинг устига тиббий асбоб-анжомлар, дори-дармонлар билан таъминланишдаги узилишларни ҳисобга олсак, ишлаш шароити ночорлигига яна бир карра амин бўламиз.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий манфаатдорликни ошириш борасида изланяпти. Республикамиз тиббиётчиларининг иш ҳақи 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб 50 фоизга оширилиши бу соҳадаги муаммоларни бирмунча ижобий ҳал этишга қаратилгандир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги 510 минг нафар ходимнинг, врачлар, муҳандислар, иқтисодчи, бухгалтер, ўрта тиббиёт ходимларининг ўртача иш ҳақи 50 фоиз миқдорида оширилади. Масалан, врачларники 450 сўм, олий тоифадаги врачники эса ўртача иш ҳақи 630 сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларига — бош врач, бош тиббий ҳамшира ва бошқаларга лавозим масъулиятини инобатга олган ҳолда дифференциал ҳақ тўлаш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тиббиёт ходимларига иш ҳақи тўлаш тизимини номарказлашган ҳолда, асосий масалаларни тўғридан-тўғри, меҳнат жамоалари хоҳиш-истагига кўра белгилаш текисчиликка барҳам беради. Иш ҳақини бу йўсинда ошириш тизими тиббий ходимлар ойлик маошларини ўртача 1,5—1,6 баробарга, айрим малакали ходимлар иш ҳақини эса икки баробарга оширишга имкон беради. Янги йилдан бошлаб меҳнат стажидан қатъий назар иш ҳақи кафолатланган минимал миқдори 450 сўмни ташкил этади. Тиббий ҳамшираларнинг ўртача иш ҳақи ихтисослигига қараб 405 сўмдан 510 сўмгача, кичик тиббий ходимники — 360 сўм миқдорида бўлади. Врачлар сингари стаж гуруҳлари ман этилади.

Шунингдек, тиббий муассасалар раҳбарияти ва жамоаларга меҳнат ҳақи учун ажратилган маблағдан фойдаланиш ҳуқуқи кенгайтирилиши ҳам инобатга олинган. Улар мустақил равишда қўшимча мукофот, иш ҳақини ошириш, моддий рағбатлантирилувчи чегараси белгиланган бошқа тўловларни ўзлари белгилайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлаш муассасалари янги хўжалик юритиш тизимига ўтиши муносабати билан иқтисодий усул ва шартномалари муносабатлар доираси янада кенгайтирилади.

Тиббиёт ходимларининг кечқурунги ва тунги меҳнатлари учун тўланадиган иш ҳақи сезиларли даражада оширилади. Олдинлари кечқурунги ва тунги навбатчилик соат 22 дан эрталаб 6 гача давом этган бўлса, эндиликда кечқурун соат 16 дан 22 гача бўлган вақтга қўшимча 20 фоизгача соатбай тарифли ставка бўйича устама ҳақ тўланади. Тунги соат 22 дан эрталаб 8.00 гача бўлган вақт учун эса 35 фоиздан 50 фоизгача қўшимча ҳақ тўланади.

Республика раҳбарияти ҳозирги иқтисодий танглик рўй бераётган бир пайтда аҳоли саломатлиги посбонларини ижтимоий ҳимоялаш ишига алоҳида эътибор беряпти. Тиббиётчиларнинг иш ҳақларини ошириш мақсадларига 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

Умид қиламизки, мустақил республикамиз тиббиётчилари ўзларини ҳамиша эл саломатлиги йўлида масъуллик ҳиссини бир дақиқа ҳам унутмайдилар.

Б. УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг муовини.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 252

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12